

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

НИКОЛАЕВА КАМИЛА СЕРГЕЕВНА

**ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХИТОЙ
ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРНИ ВА РОЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, глобал ва минтақа тараккиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 339.924(510):504

ББК: 20.1(5 кит)

К-59

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in political sciences**

Николаева Камила Сергеевна

Глобал экологик муаммоларни ҳал этишда Хитой Халқ
Республикасининг ўрни ва роли..... 3

Николаева Камила Сергеевна

Место и роль Китайской Народной Республики в решении глобальных
экологических проблем..... 25

Nikolaeva Kamila Sergeevna

The place and role of People's Republic of China in global environmental
problems solving..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

НИКОЛАЕВА КАМИЛА СЕРГЕЕВНА

**ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХИТОЙ
ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРНИ ВА РОЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, глобал ва минтақа тараккиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Наталья Эрмановна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қосимова Назокат Анваровна
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бахадиров Мурат Махмудович
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss/Tag.21.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб утади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел: (99871) 233-34-24; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли тарқатиш баённомаси).

Э.С. Султонова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Д.Б. Сайфуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби Фалсафа доктори (PhD), доцент

Р.З. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда аҳоли нуфузи ва истеъмол ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда, атроф муҳитга антропоген босимнинг илгари мавжуд бўлган омиллари каторига янги техноген омиллар ҳам қўшилди. Натижада, нафақат тикланмайдиган ва тикланувчи табиат ресурсларидан фойдаланиш бир неча баробарга ошди, балки атроф муҳитнинг уч асосий унсури - ҳаво, сув, тупроқнинг барча тирик мавжудотлар учун хавфли бўлган даражада ифлосланиши ҳам кучайди. 1970 йилларда халқаро нодавлат ташкилот Рим клуби мутахассислари XX аср ўрталарида юзага келган ривожланиш модели "дунё – инсон" тизимининг оқибатларини олдиндан тахмин қилиб бўлмайдиган инқирозга ва ҳалокатга олиб келиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилиб, иқтисодий ўсиш ва аҳоли сони ошишининг чегараси ҳақидаги масалани кўндаланг қўйдилар.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) худуди жиҳатидан дунёда учинчи ва аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўриндаги энг йирик мамлакат бўлиб, дунё иқтисодиёти, сиёсати, маданияти ва экологиясига доимий равишда таъсир кўрсатмоқда ва иқтисодий ривожланиш тарихининг ўзига хослиги ва демографик вазияти туфайли ҳаётни таъминловчи табиий ресурсларнинг жиддий ёмонлашуви ва ифлосланиши муаммосига дуч келди. Шу муносабат билан экологик муаммоларни ҳал этиш ХХРнинг экологик сиёсатида муҳим аҳамият касб этмоқда, ва жаҳон ҳамжамияти аъзоси сифатида Хитой Халқ Республикаси мамлакатда атроф муҳит ва жамиятни ҳимоя қилиш борасида катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича халқаро тадбирларда фаол иштирок этмоқда, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда, ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажармоқда.

Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг муҳимлигини эътироф этиб, глобал экологик тизимни мустаҳкамлаш тарафдори сифатида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ХХР Раиси томонидан 2013 йилда олға сурилган "Бир мақон, бир йўл" ташаббусини қўллаб-қувватлади. Унга кўра, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши янги "яшил" технологияларни қўллаш билан боғлиқдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти атроф муҳит муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрда бўлиб ўтган 72-сессиясидаги маърузасида шундай фикрни билдирди: "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари ҳақида сўз юритар эканмиз, минтақа умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш каби муҳим муаммони четлаб ўтиш мумкин эмас. Биз БМТ Бош котибининг "сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ"¹, деган фикрига тўлиқ қўшилаемиз.

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси // <http://president.uz/ru/lists/view/1063>(рус тилида).

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисида"ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5024-сон, 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида" амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635-сон фармонлари, муайян даражада Париж битими ва ушбу муаммога тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғликлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. "Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, ва ахлоқий-маънавий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни ривожлантириш йўллари" устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда ХХРнинг сиёсий роли масалалари бўйича Ўзбекистонда ва хорижда чоп қилинган адабиётлар ўрганилди.

Бугунги кунда, Ўзбекистондаги сиёсий фанлар соҳасида ушбу муаммони комплекс ўрганишга бағишланган илмий иш ҳали қилинмаган. Диссертация ишида диссертация тадқиқоти мавзусига тааллуқли баъзи масалалар ёритилган ўзбекистонлик олимларнинг (А. Ходжаева, В.С. Ким, Н.Э. Каримова, С.Т. Тураева, Ш.А. Сабитова, В.Н. Когай, Б. Алиханов, С.С. Сангинов, А.К. Бердимуратова, А.М. Касымов и Г. Неклесса ва бошқалар)² асарлари кўриб чиқилди.

ХХР экологик сиёсатининг ва ихтисослаштирилган давлат муассасалари фаолиятининг айрим йўналишлари Ж.Л. Тёрнер ва Ж.С. Ким, Р.Ж. Аблигайл, А.Г. Амсен, Л. Росс, Р. Л. Эдмондс, Х. Матсуно³ ва бошқа хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

² Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – 171 с.; Ким В.С. Дэн Сяопин – архитектор китайских реформ//Маяк Востока. –1996. – №1-2. – С.118-119; Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан: Автореферат дисс... канд. полит.наук: 23.00.02 / ТашГИБ. – Т.:2004; Когай В.Н. Китайский путь развития: в поисках своего будущего // Востоковедение. – 1999. – №3. – С.84; Алиханов Б. Экологические проблемы и вызовы в контексте глобальной кооперации по обеспечению экологической устойчивости и стабильности в регионе// Материалы международной конференции «Трансграничные экологические проблемы Средней Азии: применение международных правовых механизмов для их решения. – Ташкент, 2010. – С. 12-18; Бердимуратова А.К. Экологическое осознание: состояние и тенденции его формирования в Приаралье // Вестник Каракалпакского Отделения АНРУз. – Нукус, 1998. – №7. – С. 42-53; Касымов, Г.Неклесса. Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия.// «Узбекистон миллий энциклопедияси».Ташкент, 1999 г. – С. 54; Сангинов С.С. Философско-методологические проблемы моделирования глобальных процессов: Автореф. дис. на соиск. учен. степ. д-ра филос. наук: 09.00.01 / АН Респ.Узбекистан, Ин-т философии и права им. И.М.Муминова и др.

³Turner J. L., Kim J. S. 60-Second Expert: China's Environmental Policy // Silver City, NM and Washington, DC: Foreign Policy In Focus.– February 7, 2007.; Abigail R. J. The contradictory impact of reform on environmental protection in China // China

Глобал экологик муаммоларни "барқарор ривожланиш" концепциясида келтирилган уларни бартараф этиш механизмлари глобал ва минтақавий ривожланиш доирасида турли илмий тадқиқотларда таҳлил қилинган. Глобаллашув жараёнининг экологик вазиятга таъсири ва инсоният ривожланишининг эҳтимолий сценарийлари россиялик олимлар: Э. В. Гирусов, Ф. Д. Демидов, В. А. Лосев, К.С. Лосев, В. В. Мантатов, Н. Г. Олдак, Г.В. Платонов, А.Л. Романович, А. Д. Урсул⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган. Барқарор ривожланиш ғоясининг асосий манбаи бўлган В.И. Вернадскийнинг ноосфера назарияси алоҳида эътиборга моликдир⁵.

Хитойнинг турли экологик муаммоларига – Е. В. Бирюлин, Е. И. Кранина, В.П. Максаковский, Е.А. Юймин, Ван Юнчэн, Шэн Гомин, Цзин Баопин, Люй Ляньхун, Чжан Баолу, Се Сюэсун, Ло Хун⁶ ва бошқа хитойлик тадқиқотчилар кўплаб асарлари бағишланган.

Хитойлик муаллифлар – Бай Пинцзе, Гао Чуншэн, Хуан Гуйцин, Лю Гуйхуань, Вэнь Ихуэй, Сун Линьлинь, Ван Яньмин, Чжан Чжэнхуа, Чжу Цзялэй⁷ ва бошқаларнинг асарлари мавжуд экологик шароитида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган янги

Quarterly. – 1997. – P. 81-103.; Amsden A. H., D. Liu, and X. Zhang. China's macro-economy, environment and alternative transition model // World Development. – 1996. –P. 273-286.; Ross L. Environmental Policy in China // Bloomington and Indianapolis: Indiana University Press. – 1996.; Edmonds R. L. Managing the Chinese Environment // Studies on Contemporary China. Oxford University Press. – 2004.; Matsuno H. China's Environmental Policy: It's effectiveness and Suggested Approaches for Japanese Companies // NPI Papers. – 2009. – № 140. P. 1-12.

⁴Гирусов.В. Мир в поисках концепции устойчивого развития / Э.В. Гирусов, Г.В.Платонов // Вестник Московского университета. – Сер. 7. – Философия. –1996. – № 1. – С.3-14; Урсул, А. Д. Концептуальные основы устойчивого развития / А.Д. Урсул, В.А.Лось, Ф.Д. Демидов. М.: Изд-во РАГС, 2003. – 348 с.; Урсул А.Д. Переход России к устойчивому развитию. Ноосферная стратегия / А.Д. Урсул. – М.: Ноосфера, 1998. – 500 с.; Мантатов, В.В. Этика устойчивого развития в информационную эпоху / В.В.Мантатов. – Улан-Удэ: Бурят.кн. изд-во, 2002. – 180 с.; Лосев К.С. Экологические проблемы и перспективы устойчивого развития России в XXI веке / К.С. Лосев. – М.: Космосинформ, 2001. – 400 с.; Романович А.Л. Глобализация и переход к устойчивому развитию / А. Л. Романович // Глобализация и экологическая безопасность: сб. / под общ.ред. Н. М. Мамедова. – М.: Изд-во РАГС, 2004. – С. 49-67; Олдак Н.Г. Введение в метасоциальный анализ. Теория экологически устойчивого социального развития. – Новосибирск: Изд-во Новосибирского гос. ун-та, 1992. – 132 с.

⁵Вернадский, В.И. Научная мысль как планетарное мышление / В. И. Вернадский; сост. А.Ф. Яншина. – М.: Наука, 1991. – 272 с.

⁶ Бирюлин Е. В. Предварительные итоги выполнения 10-го государственного пятилетнего плана КНР по охране окружающей среды / Е. В. Бирюлин // Проблемы Дальнего Востока. – 2006. - № 3. – бет.46-55.; Кранина Е. И. Проблемы охраны окружающей среды и природных ресурсов КНР / Е. И. Кранина // ПДВ . – 2003. - № 4. – бет. 109-120.; Абрамова Н. А. Конфуцианский рационализм как духовный ресурс цивилизационного развития / Н. А. Абрамова Е. А. Юйшина. – Чита, 2005. – 212 бет.; Максаковский В. П. Экологические проблемы Китая. // <http://www.geo.1stptember.ru/2003/26/51.htm>; Шэнь, Гомин. Экологическая цивилизация XXI века. Охрана окружающей среды / Гомин Шэнь. – Шанхай: Шанхайское народное издательство, 2005. – 354 бет. – Перев. Скит. яз.; Цзинь, Баопин. Ущерб и возмещение загрязнения окружающей среды / Баопин Цзинь. – Бэйцзин: Чжунго шэхуэй чубаньшэ, 2006. – 210 бет. – Перев. скит. яз.; Ван Юнчэн. Зеленое движение в Китае / Юнчэн Ван. – Бэйцзин: Сянь шицзе чубаньшэ, 2006. – 107 бет. – Перев.с кит. яз.; Люй Ляньхун, Чжан Баолу, Се Сюэсун, Ло Хун. Чжунго нэньюань шэнтай аньцюань инсян пингу юй чжэнцэ цзяньи. (吕连宏, 张保留, 谢雪松, 罗宏. 中国能源生态安全影响评估与政策建议. Оценка влияния экологической безопасности энергетики Китая и предложения) // Research of Environmental Sciences. – No. 11, 2018. – Vol. 31. – P. 1819-1826.

⁷ Лю Гуйхуань, Вэнь Ихуэй. Сянь шидай Чжунго шэнтай хуаньцин бучан чжэнцэ: гайгэ юй чуансинь. (刘桂环 文一惠 . 新时代中国生态环境补偿政策: 改革与创新. Компенсационная система для экологической среды в новой эре Китая: реформа и инновация) // Environmental Protection. – Vol. 46, No.24 2018.; Сун Линьлинь, Ван Яньмин. Цзи юй чжэнцэ ванлодэ Чжунго шэнтай вэньмин цзяньшэ туйцзинь луцзин. (宋琳琳 王延明. 基于政策网络的中国生态文明建设推进路径. Путь стимулирования создания экологической культуры Китая на основе политических сетей) // China Academic Journal of Electronic Publishing House. – 2018. – P. 50-52.; Чжан Чжэнхуа, Чжу Цзялэй. Чжунго тэсэ шэхуэй чжуи шэнтай вэньмин чжиду тисидэ гоу цзянь-цзи юй жогань чжуньюа чжэнцэ баогаодэ вэньбэнь фэньси. (张振华, 朱佳磊. 中国特色社会主义生态文明制度体系的构建--基于若干重要政策报告的文本分析. Создание системы экологической культуры при социализме с китайской спецификой – на основе анализа нескольких важных политических докладов) // Journal of the Party School of CPC Ningbo. – No.6, 2018. – Vol. 40, Serial No.226. – P. 15-21.

инновацион қонунчилик базасини шакллантиришга масалаларига бағишланган. Шу билан бирга, атроф муҳитни ҳуқуқий бошқаришнинг янги моделини ишлаб чиқиш атроф муҳит ва табиий ресурслар борасидаги анъанавий ХХР қонун-ҳужжатларини таҳлил қилиш, шунингдек, бошқа давлатларнинг ҳуқуқий базаси ва атроф муҳитни бошқариш тажрибаси асосида амалга оширилади.

Янги экологик қонунчилик базасини шакллантириш жараёни билан узвий боғлиқликда, Хитой сиёсий маданиятининг бошқарув муаммолари, унинг анъанавий ахлоқий ва сиёсий асослари, айниқса, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро механизмини яратиш ва халқаро муҳитда кенгайиб бораётган ХХР фаоллигини ижобий идрок этилишига эришишга қаратилган Хитойнинг "экологик интеграцияси"ни фаоллаштириш ётади. Шу нуқтаи назардан, хитойлик муаллифлар ва россиялик хитойшунослар – Н.А. Абрамова⁸, Дин Чжиган, Лиу Сюецзин, Ма Дэпин, Чжан Юэ, Чэнь Чэньси⁹ ва бошқаларнинг ишлари қизиқиш уйғотади. Россиялик¹⁰ ва хитойлик олимларнинг сўнги тадқиқотларида халқаро муносабатларнинг янги соҳаси – "экологик дипломатия" алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлиб, у музокаралар ва бошқа тинч йўллар билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлатлараро алоқаларни назорат қилиш бўйича халқаро муносабатлар субъектларининг фаолияти сифатида намоён бўлади.

Умуман олганда, бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича ХХР фаолиятининг сиёсий жиҳатларини ўрганиш даражасини баҳолаш эканмиз, мамлакатимиз илм-фанида ушбу муаммо етарлича ўрганилмагани ва комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Диссертация тадқиқотнинг диисертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институти «Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти» кафедрасининг «Ўрганилаётган минтақанинг (ХХР) жаҳон сиёсати» йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги глобал экологик муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва ролини комплекс ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

глобал ривожланишнинг экологик муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий ва тарихий жиҳатларини аниқлаш;

⁸ Абрамова Н. А. Политическая культура Китая. Традиции и современность / Н. А. Абрамова. – Чита: Муравей, 2001. – 320 с.

⁹ Чжан Юэ, Чэнь Чэньси. Оумэн шэнтай бяоцянь чжиду дуй Чжунгодэ чжэньцэ циши. (张越 陈晨曦. 欧盟生态标签制度对中国的政策启示. 国际贸易 2017 年 第 8 . Политическое просвещение от Европейской экологической маркировки для Китая) // China Academic Journal of Electronic Publishing House. – 2017. – Р. 45-48.

¹⁰ Перелет Р. А. Экологическая дипломатия // Международная жизнь. – 1988. - № 10. – Реж.доступа: <http://www.xserver.ru/user/ekobp/>; Авдеева, Т. Г. Экологическая дипломатия / Т. Г. Авдеева // Международная жизнь. – 2001. - № 5. – С. 37-48;

дунёдаги экологик вазиятни ривожлантириш бўйича глобал стратегиялар ва моделларни таҳлил қилиш;

экологик соҳада халқаро интеграциянинг замонавий жараёнларини кўриб чиқиш;

ҳозирги босқичда Хитой глобал экологик сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаш;

Хитой Халқ Республикасининг сиёсатини бугунги кундаги иқлим ўзгаришлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

турларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича Хитой фаолиятига баҳо бериш;

БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш Конвенцияси доирасида умумжаҳон Чўлланиш муаммоси ва Хитойнинг тажрибасини кўриб чиқиш;

ХХРнинг халқаро экологик ташкилотлар билан ҳамкорлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

Хитой Халқ Республикасининг кўшни мамлакатлар билан минтақавий экологик ҳамкорлигини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси муносабатларини замонамизнинг экологик муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан ўрганиш.

Тадқиқот объектини ҳозирги замондаги глобал экологик муаммолар ва уларнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ташкил этади.

Тадқиқот предмети ХХРнинг глобал экологик муаммоларини ҳал этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари сифатида қиёсий-тарихий, тизимли таҳлил, институционал, статистик, мантиқий ва бошқа усуллар қўлланилган.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ХХР ҳукуматининг иқлимнинг ўзгариши, атмосферага заҳарли газларнинг тарқалиши, атроф муҳитни химоя этиш, яшил иқтисодиёт ва экология йўналишидаги глобал сиёсий ташаббуслари очиб берилган;

ХХРнинг "Иқлим ўзгаришларга қарши курашиш бўйича жавоб чораларининг давлат лойиҳаси" да илгари сурилган глобал экологик муаммоларини ҳал этишда турли мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари очиб берилган;

БМТнинг Чўллашишга қарши курашиш Конвенцияси, чўллашишнинг дунё глобал муаммоси даражасига чиқиши ва бу борадаги ХХРнинг тажрибаси очиб берилган;

ХХРдаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва атроф муҳитга антропоген таъсирини камайтириш борасида ХХР давлати олиб бораётган "яшил" иқтисодиётга ўтиш фаолияти далилланган;

ХХРнинг халқаро экологик ташкилотлар: БМТнинг атроф муҳит муҳофазаси дастури (UNEP), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга ишларининг амалий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг глобал муаммоларини ечиш контекстида Си Цзиньпиннинг "Бир мақон, бир йўл" ташаббусининг "яшил" йўналиши таҳлил қилинган ва UNEP ва ХХР Атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг ташаббуси билан "Бир мақон, бир йўл"да "яшил ривожланиш" учун Халқаро коалициясининг тузилиши асослаб берилган;

Хитой Ҳалқ Республикасининг кўшни давлатлар билан минтақавий экологик ҳамкорлиги ўрганилган ва Шимолий-Шарқий Осиёда табиатни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий ташкилот тузиш зарурати аниқланган, чунки ШХТ мамлакатларини атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро муносабатлари "юмшоқ" тавсифга эга, улар, асосан, декларацияларни овоза қилиш, уларни реализация қилиш механизмларини кўрмасдан биргаликда режалар тузишдангина иборат. Ҳозирги замон экологик муаммоларининг ечими контекстида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Ҳалқ Республикасининг муносабатлари ўрганилган ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида "Бир мақон, бир йўл" ташаббусининг амалга ошириш муҳимлиги асосланган. Ва унга кўра ҳамкорлик қилиш бўйича қатор лойиҳаларни ривожлантириш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига тааллуқли 208та адабиёт манбаларидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари муаллифнинг давлат бошқаруви органлари ва халқаро ташкилотлар, илмий нашрлардаги материалларни чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш орқали олинган бўлиб, мазкур натижалар ХХР сиёсатининг моҳияти ҳамда йўналишларини, глобал ечиш контекстида аниқлаш имконини берди. Шунингдек, тадқиқотнинг ишончлиги тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан ҳам белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Назарий жиҳатдан, мазкур ишнинг аҳамияти шундаки, диссертациянинг материаллари ва хулосалари ХХРнинг замонамизнинг глобал экологик муаммоларни ҳал қилишдаги сиёсатини келгусида ўрганиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу тадқиқот материалларидан сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой экологик хавфсизлигини институционал таъминлаш масалаларини янада ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин. Тадқиқот жараёнида илмий муомалага янги материаллар ва диссертация мавзусига доир хитой, инглиз ва рус тилларидаги адабийлар киритилди.

Ишнинг амалий аҳамияти тадқиқот материалларининг ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, Хитойнинг замонавий сиёсати нуқтаи назаридан глобал экологик муаммолар билан боғлиқ мавзуларда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маърузалар курсларини ёзишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Глобал экологик муаммоларни ҳал этишда Хитой Ҳалқ Республикасининг ролини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Глобал экологик муаммоларни ҳал этишда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти доирасида ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2018 йил 24 сентябрдаги 04/1936-сон маълумотномаси);

ХХРдаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва атроф муҳитга антропоген таъсирни камайтириш борасида ХХР давлати олиб бораётган фаолият бўйича олинган хулосалардан "Мамлакатшунослик" ўқув қўлланмасида фойдаланилган (Гриф № 434-155). Натижада, ўқув қўлланманинг "Глобаллашув шароитида Хитой" бўлими маълумотларини 1 ва 2- босқич талабаларига фактик материаллар асосида етказиш имкони яратилган;

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг глобал муаммоларини ечиш масаласида Си Цзиньпиннинг "Бир мақон, бир йўл" ташаббусининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш ҳақидаги ташаббуси бўйича олинган хулосалардан ШХТ доирасида Хитой ва Марказий Осиё давлатлари стратегик ҳамкорлигини тадқиқ этиш илмий лойихаси доирасида Ганьсу провинциясининг Ижтимоий фанлар академияси илмий фаолиятида, фойдаланилган (Ганьсу провинцияси Ижтимоий фанлар академиясининг 2019 йил 30 августдаги 58-сон маълумотномаси). Натижада академиянинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларида экологик муаммолар бўйича таҳлилий маълумотноманинг тайёрланишида улардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари олти халқаро (Алматы ш., Нур-Султан ш., Москва ш., Пекин ш.) ва саккизта республика илмий анжуманларида маърузалар шаклида апробациядан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та монография, 11 та илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 11та параграф бобни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Диссертация ҳажми 143 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг асосий устувор йўналишлари билан мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги аниқланган, илмий тадқиқот усуллари, тадқиқот

натижаларининг апробацияси, эълон қилинган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилади, ишнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Тадқиқотнинг **"Глобал экологик муаммоларнинг хусусиятлари ва уларнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни"** деб номланган *биринчи боб* тўрт параграфдан иборат бўлиб, унда глобал ривожланишнинг экологик муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий жиҳатлари, дунёдаги экологик вазият ривожланишининг глобал стратегиялари ва моделлари аниқланди, шунингдек, экологик соҳада халқаро интеграциянинг замонавий жараёнлари кўриб чиқилади.

Биринчи бобнинг "Глобал ривожланишнинг экологик муаммоларини ўрганишнинг назарий ва услубий жиҳатлари" деб номланган *биринчи параграфи* "инсон – жамият – табиат" тизимида илгари мавжуд бўлган зиддиятларнинг замонавий шароитларда кескинлашуви ва чуқурлашувини англатувчи "замонамизнинг глобал муаммолари" атамасининг маъносини очиб беради, ва шунинг учун уларни батафсил таҳлил қилиш учун уларни юзага келтирган омилларни аниқлашга эътибор бериш керак¹¹. Экологик муаммоларнинг белгилари қуйидагилардан иборат: иқлимнинг иссиши, озон тешиқларининг пайдо бўлиши, демографик портлаш, табиий ресурсларнинг (хом ашё ва энергия манбаларининг) тугаши, ўрмонларни кесиш, ерларнинг чўлга айланиши, ҳаво ва сув муҳитининг ифлосланиши, шунингдек, атроф муҳитнинг ифлосланиши сабабли касалликларнинг кўпайиши¹². Глобал экологик муаммоларнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, шундан иборатки, улар ер юзида яшовчи ҳар бир инсонга тегишли бўлиб, уларни ечиш учун бутун инсониятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб қилинади.

Биринчи бобнинг "Дунёдаги экологик вазият ривожланишининг глобал стратегиялари ва моделларининг таҳлили" деб номланган *иккинчи параграфид* инсониятнинг бундан кейинги ривожланиш вариантлари кўриб чиқилади ҳамда экологик ва антиэкологик концепциялар ажратиб кўрсатилади. Уларга кўра, "экологистлар" экологик муаммоларнинг глобал характерини таъкидлайдилар ва уларни зудлик билан, комплекс тарзда ҳал қилиш зарур деб биладилар; "антиэкологистлар" эса иқтисодий ривожланишга устувор аҳамият берадилар.

Биринчи бобнинг "Экологик соҳада халқаро интеграциянинг замонавий жараёнлари" деб номланган *учинчи параграфи* халқаро экологик фаолият таҳлили ва динамикасига бағишланган. Олим Х. Н. Гизатуллин атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда бир неча босқични ажратиб кўрсатган¹³:

1. XX асрнинг 60-70-йиллари табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш билан боғлиқ.

2. XX асрнинг 80-90-йиллари Барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг бошланиши эди.

¹¹ Дубнов А.П. Глобалистика. - 2-е изд.- Новосибирск, 1995. – С.17.

¹² List of Environmental Problems // <http://science.yourdictionary.com/articles/list-of-environmental-problems.html>

¹³ Гизатуллин Х.Н., Троицкий В.А. Концепция устойчивого развития: новая социально-экономическая парадигма // Обществ.науки и современность. – 1998. – № 5. – С.124-130.

3. 1995 йилдан-ҳозирги вақтга қадар-барқарор ривожланишни амалга ошириш ва давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик қилиши билан боғлиқ.

Экология соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳозирги босқичида давлатларaro ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Инсониятнинг глобал муаммоларини ечиш мақсадида БМТ томонидан "Мингйиллик ривожланиши мақсадлари" (МРМ) деб номланган қашшоқликка қарши курашиш ва турмуш даражасини умумий ошириш дастури қабул қилинди. Ушбу дастур 2000 йилда 147та давлат раҳбарлари ва 189та мамлакат, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси вакиллари томонидан Мингйиллик Саммитида қабул қилинди. 2015 йилда Мингйиллик декларациясида баён этилган МРМни амалга ошириш босқичи ниҳоясига етди ва 2016 йилда жаҳон рабарлари томонидан қабул қилинган 2030 йилгача даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартибининг (AGENDA 2030) расмий амалиётга туширилиши бўлиб ўтди. Янги Кун Тартиби мамлакатларни барқарор ривожланиш соҳасида белгиланган 17 та мақсадни (БРМ) амалга оширишга чақиради.

Бугунги кунда экология соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий воситаси бўлиб, умумжаҳон экологик сиёсатни тартибга солувчи, экологик хавфсизликни ва жамиятнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи халқаро экологик ҳуқуқ хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда Хитойнинг экологик сиёсатининг асосий йўналишлари, Хитой Халқ Республикасининг иқлим ўзгариши контекстидаги сиёсати, Хитойнинг турларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш борасидаги фаолияти (ишлари), Умужаҳон Чўлланиш муаммоси ва Хитойнинг Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси контекстидаги тажрибаси **"Глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда Хитой Халқ Республикасининг ҳаракатлари"** деб номланган иккинчи бобда кўриб чиқилади.

Иккинчи бобнинг "Ҳозирги босқичда ХХР экологик сиёсатининг асосий йўналишлари" деб номланган *биринчи параграфи* табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ХХР сиёсатининг шаклланиш тарихини очиб беради ва унда ҳозирги ХХРнинг энг долзарб (кескин) муаммоларидан бири экологик муаммо деб белгиланади. Шу боис, бу муаммо модернизация жараёни ва унинг истиқболлари билан боғлиқлиги, ҳозирги ва кейинги авлодларнинг фаровонлиги унинг ечимига боғлиқлиги сабабли, ХХР ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилишга катта аҳамият беради, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли атроф муҳит ифлосланишининг кучайиши ва экологик мувозанатнинг бузилиши тенденциясини заифлаштиришга эришилди, ва бу табиий ресурслар сарфи анча кўпайиб ва ифлосланиш сезиларли даражада кучайиб бораётган шароитларда юз бермоқда. Ифлосланишга қарши курашда мамлакатнинг бир қатор сув ҳавзаларида биринчи ижобий натижаларга эришилди, шаҳар ва туманларда атроф муҳит сифати бир қадар яхшиланди,

саноат чиқиндиларининг зарарли концентрацияси камайди, жамиятда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳимлигини тушуниб етиш кучайди.

ХХР раиси Си Цзинпин "Гўзал Хитой" ни барпо этиш ғоясини илгари сураб экан: "Экологик цивилизацияни барпо этиш давримизнинг эзгу иши бўлиб, у кейинги авлодларга фаровонлик олиб келади. Биз экологик цивилизацияга социалистик ёндашувни мустаҳкам шакллантиришимиз, инсон ва табиатнинг уйғун ривожланиши билан ажралиб турадиган модернизациянинг янги архитектоникасининг шаклланишини рағбатлантиришимиз, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида авлодимизга муносиб саъй-ҳаракатларни амалга оширишимиз зарур",¹⁴ деб таъкидлаган.

Иккинчи бобнинг "Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги иқлим ўзгаришлари контекстидаги сиёсати" деб номланган *иккинчи параграфида* иқлим ўзгариши ХХРнинг табиий ва экологик тизимларига, ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жиддий хавф туғдириши, бу, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, ўрмон хўжалиги, табиий ва экологик муҳит, гидроресурслар соҳасида, ва шунингдек, денгизолди ҳудудлар ва экологияси заифлашган ҳудудларда намоён бўлиши айтиб ўтилади. Хитой Халқ Республикаси жадал иқтисодий ривожланиш босқичида турибди ва иқтисодиётни ривожлантириш, қашшоликни бартараф этиш ва иссиқхона газларининг атмосферага чиқариб ташланишини камайтириш билан боғлиқ катта босимни бошдан кечирмоқда, шунинг учун иқлим ўзгаришига қарши туриш соҳасидаги вазият ғоят жиддий, ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар эса мураккаб ва хилма-хилдир. ХХР халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган иқлим ўзгаришига қарши курашиш жараёнида фаол иштирок этиб, БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Конвенциясини (бундан кейин матнда Иқлим тўрисидаги Конвенция деб юритилади) ва 1998 йил 29 майда имзоланган пайтдан бошлаб, Киото протоколини (бундан кейин матнда протокол деб юритилади) виждонан бажариб, халқаро ҳамкорликда фаол ва конструктив роль ўйнаб келмоқда.

Иккинчи бобнинг "ХХР ва Биологик турлар хилма-хиллиги бўйича халқаро Конвенция деб номланган *учинчи параграфида* "биологик хилма-хиллик" тушунчаси фақат 1972 йилда БМТнинг атроф муҳит бўйича Стокгольм конференциясида кенг сиёсий муомалага киритилгани айтиб ўтилган бўлиб, у ерда экологлар жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг сиёсий раҳбарларини жонли табиатни муҳофаза қилиш инсоннингқурраи заминдаги ҳар қандай фаолиятида ҳам устувор бўлиши кераклигига ишонтиришга муваффақ бўлишди. Шунини таъкидлаш керакки, "Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги халқаро Конвенция" 1992 йилда БМТнинг Рио-Де-Жанейрода ўтган атроф муҳит бўйича конференциясида қабул қилинган. Биологик хилма-хиллик бўйича халқаро Конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан олдин, кўплаб ташкилотларнинг фаолияти, шартли равишда, етти

¹⁴Си Цзинпин: экологик цивилизация тизими ислохотини жадаллаштириш, "гўзал Хитойни" куриш керак // http://russian.news.cn/2017-10/18/c_136689490.htm (рус тилида).

босқичда (1975 йилдан 1992 йилгача) амалга оширилди. Конвенция 1992 йил июнь ойида БМТнинг Рио-де-Жанейродаги атроф муҳит ва тараққиёт конференцияси давомида кўпгина мамлакатлар, шу жумладан, Хитой вакиллари томонидан имзоланди. Имзоланган ҳужжатнинг асосий мақсади биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва инсоният эҳтиёжларини таъминлашдир. Айни ўша йили Биологик хилма-хилликнинг глобал стратегияси ишлаб чиқилди, унинг мақсади турларнинг йўқолиши шароитларини бартараф этишдан иборат бўлди.

Ушбу ҳужжат имзоланганидан бери, ХХР ҳукумати БМТ Конвенцияси бўйича қабул қилган мажбуриятларини тўлиқ бажариб бориб, давлатнинг барқарор ва изчил ривожланиш стратегиясини тасдиқлади. 1994 йилда ХХР Давлат Кенгаши "21-асрда Хитойнинг ривожланиш стратегияси: ХХРнинг 21-асрда демографияси, экологияси ва ривожланиши Оқ китоби" номли ҳужжатни эълон қилди, унда мамлакатнинг олға ривожланиши давлат стратегияси акс эттирилган. 1996 йилда ХВУЙ "ХХР халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳасини ривожлантириш бўйича 9-беш йиллик режани", шунингдек, "2010 йилгача истиқболли-мақсадли дастур"ни қабул қилиб, унда ХХРнинг олға ривожланиши стратегиясини амалга ошириш сиёсати қайта белгиланди. ХХРда биологик турларнинг хилма-хиллигини ҳимоя қилиш ҳайвонлар ва ўсимликларнинг яшаш ва миграция жойларини ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади. Ҳозирги вақтда ХХРда давлат аҳамиятидаги 612та турдаги қирилиб бораётган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар устувор муҳофаза объектлари рўйхатига киритилган. Улар орасида ёввойи ҳайвонларнинг 258та тури ва популяцияси, 354та ўсимлик тури бўлиб, 60 дан ортиқ қирилиб (йўқолиб) бораётган ноёб ёввойи ҳайвонларни сунъий кўпайтириш муваффақиятли амалга оширилди.

Иккинчи бобнинг "Умумжаҳон чўлланиш муаммоси: БМТнинг чўлланишга қарши курашиш бўйича Конвенцияси доирасида ХХРнинг тажрибаси" деб номланган *тўртинчи параграфид*а Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳит бўйича дастури маълумотларига кўра, планетамиздаги қуруқликнинг чораги чўлланиш хавфи остидадир. Бу бевосита 250 миллион кишига таъсир қилади, экин майдонлари ва яйловлар маҳсулдорлигининг камайиши натижасида 100 дан ортиқ мамлакатда яшовчи 1 миллиарддан зиёд кишининг яшаш (тирикчилик) воситалари манбалари учун хавф туғилади. Ушбу жараён шу даражада кенг тарқалганки, у "Чўлланиш" халқаро дастурининг мавзуси бўлди. Чўлланишнинг миллий ва минтақавий барқарорликка кучайиб бораётган таҳдидига эътиборни қаратиш мақсадида 1995 йилда 17 июн куни Умумжаҳон чўлланишга қарши курашиш куни деб эълон қилинди.

Чўлланиш муаммоси борасида ХХР Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан биргаликда, халқаро миқёсда, шунингдек, ички миллий дастурлар доирасида, давлат даражасида, дезертификация (чўлланиш)га қарши курашиш умумжаҳон жараёнига фаол ҳисса қўшмоқда. Чўлланиш Хитойнинг энг жиддий экологик муаммоларидан биридир. Мамлакатда 2,62 миллион

квадрат километр чўл майдонлари мавжуд бўлиб, бу бутун мамлакат ҳудудининг 27%ини ташкил этади. Айни пайтда, баъзи жойларда, бу тенденция назорат остидадир, аммо, чўлланиш етарлича тез суръатлар билан олдинга ҳаракат қилмоқда.

Хитой 1992 йилда БМТнинг атроф муҳит ва тараққиёт конференциясида бўлиб ўтган "21-аср регламенти" доирасида имзоланган атроф муҳит тўғрисидаги энг муҳим Конвенциялардан бири ҳисобланмиш БМТнинг чўлланишга қарши курашиш Конвенцияси иштирокчисидир. Ушбу Конвенция 1996 йилда кучга кирган, унинг асосий мақсади чўлланишга қарши курашиш ва қурғоқчиликнинг ундан азият чекувчи мамлакатларга, биринчи навбатда, Африка мамлакатларига салбий таъсирини юмшатиш, ва шунингдек, бундай мамлакатлар ва ҳудудларгаизчил ривожланишни амалга оширишга ёрдам беришдан иборатдир.

Диссертация ишининг **"Хитойнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жараёнларидаги иштироки"** деб номланган *учинчи боб*ида ХХРнинг халқаро экологик ташкилотлар билан ҳамкорлиги таҳлил қилинади, Си Цзинпиннинг Глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш нуктаи назаридан "Бир мақон, бир йўл" ташаббуси таҳлил қилинади, ХХРнинг кўшни давлатлар билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлиги, шунингдек, замонамизнинг экологик муаммоларини ҳал қилиш контекстида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикасининг муносабатлари кўриб чиқилади.

Учинчи бобнинг "Хитой Халқ Республикасининг халқаро экологик ташкилотлар билан ҳамкорлиги" деб номланган *биринчи параграфи*да турли халқаро экологик ташкилотларни қамраб олган экологик муаммолари мазмуни бўйича учта гуруҳга бўлиш мумкин: табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги (UNEP, ТМХИ), табиатни муҳофаза қилиш бўйича комплекс профилли (ССЖТ, ФАО, ЖМТ), табиатни муҳофаза қилиш бўйича махсус профилли (кўчманчиқ ушлар, балиқ захиралари, халқаро дарёлар ва бошқаларни муҳофазақилиш) ташкилотларнинг фаолияти кўриб чиқилади.¹⁵

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари халқаро экологик ҳамкорликда етакчи роль ўйнайди. БМТ Низоми (Уставида)да қайд этилганидек, БМТнинг мақсад ва вазифалари иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт, соғлиқни сақлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги халқаро муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Ҳозирги кунда БМТ барча давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги ҳамкорликларининг турли шаклларини ўзида жамловчи марказ ҳисобланади. ХХР БМТнинг атроф муҳит бўйича тадбирларида фаол иштирок этмоқда ва уларни қўллаб-қувватламоқда. БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури Кенгаши (UNEP) аъзоси сифатида, ХХР ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. 1979 йилда ХХР UNEP қошида ташкил этилган "Атроф муҳитни назорат қилиш бўйича

¹⁵Горшков В., Кондратьев К.Я., Лосев К.С. Глобальные экологические перспективы // Мир науки. – 1992. – Т.36, № 4. – С.8-11.

глобал тармоқ", "Потенциал токсик кимёвий моддалар халқаро реестри" ва "Атроф муҳит билан боғлиқ ахборот манбалари ва воситаларини текшириш ва қидириш халқаро тизими"га аъзо бўлди. ХХР UNEP, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

2015 йилнинг сентябрида Си Цзинпин БМТнинг Барқарор ривожланиш саммитида иштирок этиб, экологияни ҳимоялаб, даъват қилиб, маъруза билан чиқди ва бу мақсадларни амалга оширишда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш жамғармаси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади: "ХХР 2 миллиард доллардан иборат дастлабки бадал маблағи билан "Жануб-Жануб" кооперацияси (ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги) ёрдам жамғармасини тузади." Шунингдек, Раис: "ХХР кам ривожланган мамлакатларга экологик инвестицияларни кўпайтиришни давом эттириб, 2030 йилгача уларнинг умумий миқдорини 12 миллиард долларга етказишни режалаштирганини" айтди. Шунда ХХР Раиси бир неча экологик ташаббусни илгари сурди. Биринчидан, у экологияни тўртта банддан иборат барқарор глобал ривожланиш режасига киритди: "Барча мамлакатлар ўз ривожланиш салоҳиятини мустаҳкамлаши, атроф муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш керак, ва бунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик оптималлаштирилиши керак, умумий ривожланишни мувофиқлаштириш механизми эса мустаҳкамланиши керак". Иккинчидан, Си Цзинпин тоза энергия манбаларининг глобал энергетик тармоғини яратишни таклиф қилди: "ХХР мамлакатлар ўз миллий шароитларига мос келадиган ривожланиш амалиётларини тадқиқ қилиш ва алмашишини осонлаштириш мақсадида билимларни ривожлантириш халқаро марказини ташкил этишга тайёр... Хитой, шунингдек, мамлакатларнинг тоза ва альтернатив энергия манбаларига бўлган талабларини қондириш вазифасини енгиллаштириш учун глобал энергетик тармоқни яратишни таклиф қилади".

Учинчи бобнинг "Си Цзинпиннинг "Бир мақон, бир йўл" ташаббуси доирасида атроф муҳитни глобал муҳофаза қилиш"деб номланган *иккинчи параграфид*а ушбу лойиҳанинг "яшил" йўналиши ҳақида маълумот берилади. Ушбу ташаббус учта қитъада жойлашган ва 65 мамлакатдан иборат кенг ҳудудни қамраб олади. Биргаликда, бу мамлакатлар жами ер шари майдонининг тахминан 40% ини, глобал ялпи ички маҳсулотнинг 30% ини, жами CO2 эмиссияси (чиқиндиси) нинг 55% ва дунё аҳолисининг 60% ини ташкил қилади. Ҳукумат томонидан UNEPнинг ХХР ҳукумати билан муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга, масалан, ҳозирги вақтда атроф муҳит учун ХХР мақсадли жамғармаси томонидан молиялаштирилладиган қатор лойиҳалар доирасида "Жануб-Жануб" ҳамкорлигига кўмаклашиш мақсадида Хитой билан ишлаш тажрибаси мавжуд. ХХРнинг "Мақон ва йўл", шу жумладан, "Йўл экологик ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик режаси" ва "Яшил минтақа ва йўлни тарғиб қилиш бўйича қўлланма"ларни яратиш бўйича сиёсий ташаббуси лойиҳалар "яшил", кам углеродли инфратузилма ва экологик хавфсизликни яратишга, биологик хилма-

хилликни ҳимоя қилишга ёрдам бериши ва иқлим ўзгаришининг оқибатларини ҳисобга олиши кераклигини таъкидлайди. ХХР ҳукумати UNEPни ушбу ташаббусни амалга ошириш соҳасидаги ташаббусни барқарор ривожлантиришга ёрдам беришдаги асосий ҳамкор деб ҳисоблайди. UNEP ва Хитой атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги биргаликда (ҳамкорликда) ХХРнинг бутун дунё бўйлаб манфаатдор томонларнинг кенг доираси билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга ёрдам берадиган "Мақон ва йўлда яшил ривожланиш" (Коалиция)¹⁶, Халқаро коалициясини ташкил этиш устида иш олиб бормоқдалар.

Учинчи бобнинг "Хитой Халқ Республикасининг қўшни мамлакатлар билан минтақавий экологик ҳамкорлиги" деб номланган *учинчи параграфи* ХХР нинг 1990 йилларда фаоллашиб, 2000 йилларда сезиларли даражада кенгайган Россия, Япония, Корея Республикаси билан ўзаро ҳамкорлигини очиб беради. Кўрсатилган муддат ичида ХХР ҳукумати Япония, Россия, Мўғулистон, Корея Республикаси (КР) ва КХДР билан экологик ҳамкорлик бўйича икки томонлама битимларни имзолади. Ушбу битимларнинг асосий мақсади атмосферага зарарли эмиссиялар (чиқиндилар) ташланиши олдини олиш ва сув ресурсларининг саноат чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш, шунингдек, атроф муҳит ҳолатини доимий кузатиб бориш бўйича минтақавий кооперацияни ривожлантиришдан иборат эди. Хитойнинг Шарқий Осиё (ШО) мамлакатлари билан экология муаммолари бўйича ҳамкорлигида ҳам ижобий динамика кузатмоқда ва яхши истиқболга эга. ХХР тажрибаси ва ушбу турдаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ХХР Россиянинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ШО мамлакатларининг халқаро ҳамкорлигида иштирок этишини олқишлаб кутиб олишини тахмин қилиш мумкин.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида "Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасидаги муносабатлар замонамизнинг экологик муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан" таҳлил қилинади. Бугунги кунда Ўзбекистон атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида умумжаҳон декларациялари, Конвенциялари ва БМТнинг бошқа келишувлари вазифаларини амалга ошириб, табиатни муҳофаза қилишнинг глобал сиёсатининг фаол иштирокчисига айланди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда Конституциясининг асосий тамойиллари ва қоидаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги қонун ҳужжатларини яратишга ва мавжудларини такомиллаштиришга олиб келган қонунчилик ислоҳоти ўтказилди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш ва иқлим ўзгариши соҳасидаги дастлабки ташаббуслар бўйича чора-ҳаракатлар дастури каби стратегик ҳужжатлар

¹⁶ Zhou Guomei. A Green Belt and Road // <https://www.unenvironment.org/news-and-stories/press-release/green-belt-and-road>.

